


Биополипропилен жаҳон бозори 2035 йилга келиб 887,96 млн долларгача ўсиши мумкин

// 15.09.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/biopolipropilen-zhahon-bozori-2035-yilga-kelib-887-96-mln-do>



2026-2035 йилларда бозорнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 17,53 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Бу ҳақда SNS Insider консалтинг компанияси прогнози маълумотларида қайд этилган.

Тадқиқотга кўра, 2025 йилда био-ПП истеъмолининг энг йирик сегментини қадоқлаш саноати ташкил этган бўлиб, унинг бозордаги улуши қарийб 39 фоизга тенг бўлган. Келгуси 10 йилда энг юқори ўсиш суръатига эга йўналиш автомобилсозлик бўлиши мумкин.

Био-ПП ишлаб чиқариш учун хомашё базасининг қарийб 56 фоизини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат мойлари таъминлайди. Қайта ишлаш технологиялари орасида эса босим остида қуйиш (инжецион қуйиш) усули етакчилик қилиб, унинг улуши қарийб 48 фоизни ташкил этади.

Европа жаҳон талабининг 42,34 фоизини шакллантириб, энг йирик минтақавий бозор бўлиб қолмоқда. Энг юқори ўсиш суръатлари Шимолий Америкада қайд этилиши кутилмоқда.

Биополипропиленга бўлган қизиқиш уни ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи хомашёдан фойдаланиш, шу билан бирга анъанавий полипропиленни қайта ишлашда қўлланиладиган мавжуд технологиялар билан мосликни сақлаб қолиш имконияти билан боғлиқ.